



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 28 февраль, № 41 (9212)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ТАЯНЧ УСТУНИ — СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

— Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баян, орияти мустақам инсонлар юртидир. Сурхонни ривожлантириш Янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустаҳкамлаш даражасида, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида.

Ўтган даврда ҳудудда 5 миллиард долларлик 8 мингдан ортиқ лойиҳалар ишга тушди. Хитой, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Австрия, Венгрия каби давлатлар билан инвестиция ва савдо бўйича яна 10 миллиард долларлик келишувларга эришилди.

Сўнги тўққиз йилда бочка қамрови 28 фоиздан 68 фоизга ошди, 23 та янги мактаб қурилди, яна 448 таси таъмирланди. Қўшимча 102 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу даврда қурилган 688 та кўп қаватли уйга 32 минг оила кўчиб ўтди. Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сароисиё ва Термиз туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилди.

“Туполанг омбори сувдан фойдаланиш” лойиҳаси ҳисобидан Термиз шаҳри ва 10 та тумандаги 563 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ҳамда туман ҳокимлари олдида жорий йил инвестицияларни 3 миллиард долларга, экспортни 1 миллиард долларга етказиш вазифаси тургани қайд этилди. Ҳудудда камбағалликни 2,8 фоизгача, ишсизликни 4,5 фоизгача тушириш, Термиз шаҳри, Ангор, Денов, Жарқўрғон, Қизилқум, Музработни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш муҳим экани таъкидланди.

Сурхондарё иқтисодиётида саноатнинг улуши сўнги 9 йилда 5 қарра ўсиб, 10 фоизга етди. Лекин бу ҳали ҳам камлиги кўрсатиб ўтилди.

Саноат ҳажмини оширишда вилоятдаги конларни ўзлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жорий йилда Бойсундаги “Санжар”, Олтинсойдаги “Оқсув”, келаси йил “Фангарт” конларида кўмир қазиб олишни бошлаш топширилди. Жанубий Африканинг “Sosol” компанияси кўмирдан полипропилен, полиэтилен ва каучук ишлаб чиқаришга қизиқиш билдирган. Сароисиёдаги “Қоракон”, “Жемсонит”, “Чукур”, “Байрам-1” конларига ҳам хитойлик инвесторлар 1 миллиард доллар киритишга тайёр. Бойсундаги “Безактоп” қонида табиий тош захиралари ўрганилмай турибди. Ушбу конларда зарур ишларни бошлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Термиз шаҳрида савдо маркази натижалари алоҳида қайд этилди. Ўтган йили марказга 800 мингдан ортиқ Афғонистон фуқаролари ташриф буюриб, экспорт 320 миллион доллар бўлган.

Марказ ҳудудини 1 минг гектарга етказиш белгиланди. Янги лойиҳалар натижасида тадбиркорлар ва харидорлар каррасига ошиши таъкидланиб, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида марказда махсус прокуратура ва ички ишлар бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, энди марказ ҳудудидаги товар савдоси ва хизматлар экспорт сифатида баҳоланиши, уларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи “ноль” ставкада қўлланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги имкониятларига тўхталар экан, вилоятдаги 35 минг гектар томорқада 3-4 марта ҳосил олинаётгани, бундай

кўрсаткич бошқа бирорта вилоятда йўқлигини таъкидлади.

Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”нинг ижобий тажрибасини бутун Сурхондарёда йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ангор, Узун, Деновда ҳам “Томорқа мактаблари”ни ташкил этиш, ҳар бир вилоятда 2 тадан “Инновацион томорқа мактаблари”ни ишга тушириш топширилди.

Сурхондарё шароитида иссиқхонадан махсулот олиш бошқа жойларга нисбатан 2-3 баробар арзон тушиши таъкидланди. Бу йил Испаниянинг Альмерия ҳудуди тажрибаси асосида 1 минг гектарда қуёшда иситиладиган иссиқхоналар ташкил этилиши, бундай иссиқхона қурадиган тадбиркорларга ер 5 йилга бепул ижарага берилиши, ер ости суви учун тўловдан 3 йилга озод қилиниши қайд этилди.

Вилоятда фойдаланилмай турган яна бир катта имконият яйловлар экани таъкидланди. Жумладан, Бойсунда 197 минг гектар яйлов борлиги, агар Дарбанд дарёсидан насослар тикланиб сув чиқарилса, 10 минг гектар яйловни фойдаланишга киритиш имкони мавжудлиги айтилди.

Захирадаги яйлов ерларини ўзлаштириш учун бошланғич нарх норматив қийматнинг 1 фоизи миқдоридан белгиланиб, аукционга чиқарилиши таъкидланди. Аукциондан ер олган тадбиркорларга 10 йилга, 4 йиллик имтиёзли давр билан 14 фоизлик кредит ажратилиши, ҳар ўн гектарга сув олиб келиш учун 120 миллион сўмгача субсидия берилди.

Вилоятда паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам белгилаб олинди.

Йўл ва транспорт инфратузилмаси вилоятдаги энг оғиқли масалалардан

бири экани қайд этилди. Ҳозирда Бойсун ва Деновни боғловчи йўлнинг 111 километрини цемент-бетон қопламага ўтказиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу йўл ишга тушса, юк ҳажми 2 қарра ошиши, ташиш вақти 3 соатдан 1,5 соатга қисқариши айтилди.

Жорий йилда юртимизни Афғонистон ва Тожикистон билан боғлайдиган 178 километрик магистрални капитал таъмирлаш, “Тошғузур — Бойсун — Кумқўрғон” участкасини тезуорар поездга мослаш, Кумқўрғон — Қудуқли темир йўлини электрлаштириш ишлари бошланади. Термиз — Истанбул, Термиз — Дубай йўналишларида янги рейслар ташкил этилади.

Янги автобуслар олиб келиниб, Шўрчи, Денов, Сароисиё, Шеробод ва Бойсундан Термизга олиб борувчи йўللарда қатновга қўйилади.

Йил охиригача Музработдаги 56 минг аҳолига илк бор марказлашган ичимлик суви етказиб бериш лойиҳаси якунига етказилиши, Музработ, Олтинсой, Ангор, Қизилқум ва Бойсун марказларига канализация олиб бериш лойиҳалари бошланиши маълум қилинди.

“Мустақилликнинг 25 йиллиги” йирик гани қайта ишлаш мажмуасидаги технология мураккаб масалага ҳамкорлар билан илмий ечим топилгани қайд этилди.

— Биз аварияни ҳам тўхтамай, Сурхондарё иқтисодиётига катта туртки берадиган лойиҳани ҳам бошлаймиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари туризм салоҳиятига тўхталиб, вилоятда Ал-Ҳаким а-Термизий, Султон Саодат, Қоқилдор ота, Қирқ қиз каби 150 дан зиёд маданий мерос объектлари борлиги, Ҳисор, Бойсунтоғ, Қўхитанг, Боботогда альпинизм, треккинг, экотуризм учун катта имкониятлар мавжудлиги-

ни айтди. Буни тўлиқ ишга солиб, йилга 1 миллиард долларлик тушум қилиш имконлиги таъкидланди.

Эски Термиз ёдгорлиги тўлиқ ўрганилмагани қайд этилди. Буддизм маданиятига оид Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзин, Зурмала каби ёдгорликларнинг туризм салоҳиятидан фойдаланиб, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Таиланддан йилга 500 минг сайёҳни жалб қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Сурхондарёда 8 мингдан ортиқ ёшлар кураш билан доимий шуғулланмоқда. Жорий йилда Деновдаги “Замондош” оромгоҳи негизда курашчилар учун замонавий ўқув-машғулот базасини қуриб бериш топширилди. Бойсундаги мактаб-интернатда янги ўқув йилидан спорт билан бирга мактаб дарсларини ҳам йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда вилоят фаоллари, ёшлар ва нурунийлар билан мулоқот қилинди, ҳокимлар ва мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди. Давлатимиз раҳбари белгиланган вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш, ҳар бир йўналишда аниқ натижага эришиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Термиз туманида жойлашган “Surkhon Sandwich” корхонасининг базальт махсулотлари ишлаб чиқариш линияси билан танишди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Сўнги йилларда ҳар бир йирик лойиҳа ва инфратузилма объектларида энергия тежамкорлигига устувор эътибор қаратилмоқда. Шу боис базальт хомашёси ва ундан тайёрланадиган энергия самарадор плита ҳамда қурилиш материалларига талаб ортиб бормоқда.

Шу эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этилган корхона қиймати 26 миллион долларга тенг. Лойиҳа доирасида йилга 30 минг тонна базальт хомашёсини қайта ишлаш қуввати яратилган. Бу 345 миллиард сўмлик тайёр махсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Махсулотлар ички бозор билан бирга Тожикистон ва Афғонистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни учун талаб этиладиган хомашёнинг 95 фоизи вилоятнинг Олтинсой туманидаги конлардан таъминланади. Корхонага Хитойнинг замонавий технологиядан ускуналари ўрнатилган. Бу ерда 200 киши ишла бўлди.

Президент ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишар экан, махсулотлар сифатини янада ошириш, маҳаллийлаштириш даражасини кенгайтириш ва экспортбоғ йўналишларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман, юртимизда қурилиш соҳасининг илмий асосларини мустаҳкамлаш, бунинг учун қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятнинг қурилиш материаллари саноати махсулотлари тақдимоти билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**  
**Икром АБВАЛБЕКОВ,**  
**Ўза махсус мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### Эътироф

## ЁШ ИҚТИДОРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Президентимиз 24 февраль куни ёшлар билан ўтказган учрашувида Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги 11-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Отамурод Реимбаевнинг истеъдодини алоҳида эътироф этиб, ижодий рағбат сифатида ёш иқтидор эгасини энгил автомашина билан тақдирлаган эди.

Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов кеча Президент совғаси — “BYD Chazor” автомобилни Отамурод Реимбаевга унинг оила аъзолари, устозлари иштирокида тантанали равишда топширди.

— Очиғи, ўша учрашувдан буён ҳали ҳаяжоним босилгани йўқ, — дейди О. Реимбаев. — Президентимиз менинг кичик ютуғимни шу даражада эътироф этганидан чексиз миннатдорман. Давлатимиз раҳбари менга қимматбахо совгадан ҳам муҳимроқ —

ишонч берди. Бу рағбатни ижодим билан оқлайман.

Таъкидлаш кераки, давлатимиз раҳбарининг учрашувида Отамурод билан мулоқоти акс этган лавҳа ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Минглаб юртдошларимиз ёш иқтидор соҳибига омад тилаб, изоҳлар ёзишпти. Президент совғаси етиб келган кун санъатимизнинг ёш вакили истиқомат қилувчи Янги-бозор туманидаги Тоша Дўрман қишлоғида байрам бўлиб кетди. ➡ 3

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенатида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

### Йиғилиш

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Нурбоева олиб борди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида қатор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиши таъкидланди.

Хусусан, ўтган йилда устувор этиб белгиланган 20 та рейтинг-

нинг 12 тасида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди. Жумладан, “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинг кутилмаси илк бор “барқарор”дан “ижобий”га оширилди. Электрон қуқуматни ривожлантириш рейтингини Ўзбекистон 193 та давлат орасида 63-ўринни эгаллаб, 6 поғонага юқорилади.

Шунингдек, Ўзбекистон ютуқлари илк мартаба Жаҳон банкининг янги “Business Ready” рейтингини эътироф этилди. ➡ 2

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, ушбу жараёнда парламентнинг ўрни ва роли ҳамда давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, ҳуқуқий

онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, замонавий билим ва касб эгаллашни таъминлаш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, улар асосида ёшлар билан ишлаш бўйича мулақо янги тизим яратилди. Уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшларга оид қатор нормалар акс этди. ➡ 2

# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ



ошириш, пасайиш кузатиш ва ўзгаришсиз қолаётган халқаро рейтинглар ва уларнинг таркибий индикаторларидан келиб чиқиб ислохотларни жадаллаштириш зарурлиги айтилди.

Шундан сўнг 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастурларининг ижроси масаласи муҳокама марказида бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон учун устувор бўлган халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш бўйича 2026 йилга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар дастурлари ("Йўл харитаси") ҳамда илмий таъкидотларнинг илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бўйича йиллик режалари лойиҳалари ҳам қўриб чиқилиб, Республика кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Жумладан, мамлакатимиз 3 та индикатор бўйича изчил ислохотларни амалга оширган 29 та давлат қаторига киритилди. "Амалиётнинг осонлиги" йўналиши бўйича 1-гурудда "ТОП — 10" талиқдан жой олди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирлар дастурлари ("Йўл харитаси") ҳамда илмий таъкидотларнинг илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бўйича йиллик режалари лойиҳалари ҳам қўриб чиқилиб, Республика кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

# ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент амалий фанлар университетидида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев ҳамда Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқа, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одижон Маматқаримовнинг профессор-ўқитувчилар ҳамда университет жамоаси билан учрашуви бўлиб ўтди.

## Мулоқот

Мулоқотда 24 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан ўтказган учрашувида белгилаб берилган устувор вазифалар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, замонавий билим ва касб-хунар эгаллаши учун кенг имконият ҳамда шaroитларни яхшилашга қаратилган қатор дастур ва ташаббуслар амалга оши-

рилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қўллаш бўйича янги чора-тадбирлар белгилангани эътиборга молик.

Учрашувда профессор-ўқитувчилар ва университет жамоаси томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда ташаббуслар ат-рофида муҳокама қилиниб, уларни амалиётга жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш муҳимлиги айтилди.

«Халқ сўзи».

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТ ҲАМКОРЛИГИ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Брюссель шаҳрида "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг 19-мажлисида иштирок этди. Унда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

## Анжуман

Учрашувда Европа томони Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади ва қўша кун тартибини илгирди суришга тайёрлигини билдирди. Айни чоғда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Мамлакатимизга Европа инвестицияларини жалб қилиш, қўша корхоналарни ривожлантириш ва юқори технология ишлаб чиқариш йўлига қўйиш учун қулай шaroитлар яратилгани таъкидланди. Инвестициялар, савдо, молиявий-техник кўмак, санаят кооперацияси, муҳим материаллар ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш, фан, таълим ва маданий алоқани янада фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглиги таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон делегациясининг Брюсселда таширифи доирасида Европа парламентида "Ислохотлар ва ҳамкорлик: Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи учун янги кун тартиби" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Европа парламентидаги Ўзбекистон бўйича доимий маърузачиси Илхан Кючок, ЕИ депутатлари ва институтлари, таҳлил марказлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Делегация аъзолари "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, жумладан, демократик ислохотлар, иқтисодиётни либераллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимини мустақамлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш борасида эришилган натижаларни намойиш қилди. Минтақавий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни ривожлантиришга қаратилган очиқ ҳамда прагматик ташқи сиёсатнинг устуворликлари ҳам қайд этилди.

Европалик экспертлар амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади ва Марказий Осиёнинг ЕИ учун аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

2025 йил 24 октябрда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзолаши савдо-сотик, инвестициялар, транспорт, муҳим ресурслар ва инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам пойдевор яратиши билан аҳамиятланди.

Транспорт ва энергетика алоқаларини ривожлантиришга, жумладан, Транскаспий транспорт йўлининг ривожлантиришга, шунингдек, таълим, фан, рақамлаштириш, сунъий интеллект ва "яшил иқтисодиёт" соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбати томонларнинг сиёсий мулоқотни янада мустақамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан ўзаро манфаатдорлигини тасдиқлади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

# КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ



Президентимиз ташаббуси билан Қўнунчилик палатаси ҳузурда ташкил этилган Ёшлар парламенти ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўнунчилик жараёнига жалб этишда муҳим платформа вазифасини ўтамоқда.

Шунингдек, Ёшлар парламенти ва Ёшлар мансабалари бўйича комиссия самарали фаолият юритаётгани айтилди.

Ушбу тузилмалар ёшларнинг ташаббусларини норматив-ҳуқуқий асосга эга қарорларга айлантиришда муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши зарурлиги таъкидла-ниб, учрашувдан келиб чиқиб, палатада ёшлар билан мулоқотни янада кўпайтириш, парламент назорати тадбирларига навқирон авлод манфаатлари устуворлигини инобатга олиб ёндашиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Қўнунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари жойлардаги масалаларни чуқур ўрганиб, йигит-қизларнинг тақлифларини эшитиши ва уларни қўнун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб қилиши, тақлифларини қўнунларда акс эттиришга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги ургуланди.

Президентимизнинг учрашувда билдирган тақлифлари ҳақида самарали татбиқ этилишида парламент аъзолари ҳам фаоллик кўрсатиши лозимлиги айтилди.

Бугунги кунда Қўнунчилик палата-

сида ёшлар масалаларига масъул қўмита, шунингдек, Ёшлар парламенти ва Ёшлар мансабалари бўйича комиссия самарали фаолият юритаётгани айтилди.

Ушбу тузилмалар ёшларнинг ташаббусларини норматив-ҳуқуқий асосга эга қарорларга айлантиришда муҳим платформа бўлиб хизмат қилиши зарурлиги таъкидла-ниб, учрашувдан келиб чиқиб, палатада ёшлар билан мулоқотни янада кўпайтириш, парламент назорати тадбирларига навқирон авлод манфаатлари устуворлигини инобатга олиб ёндашиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Қўнунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари жойлардаги масалаларни чуқур ўрганиб, йигит-қизларнинг тақлифларини эшитиши ва уларни қўнун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб қилиши, тақлифларини қўнунларда акс эттиришга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги ургуланди.

## Беҳзод Тўхтамуродов, Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси ўринбосари:

— Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида илгари сурилган ташаббусларни навбатдаги режалар мажмуи эмас, балки ёшлар сиёсатида янги даврнинг бошланиши сифатида баҳолаш мумкин. Уларнинг ҳар бири бугунги йигит-қизнинг эҳтиёжи, ораси ва интилишларига мос келади. Бу ангилликлар орқали давлатимиз раҳбари ёшларнинг имкониятига юксак ишончини, улар билан бирга тараққиёт йўлини босиб ўтишга тайёрлигини яна бир бор амалда намоён этди. Таълимдан тортиб тадбиркорликкача, инновациялардан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимигача бўлган кенг қамровли ёндашув ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.



ламент ва юқори эътибор охири имоият органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш, Ёшлар парламенти имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда йигит-қизларни ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслардан келиб чиқиб, Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Ёшлар парламенти олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

# ТАШАБУСЛАР УЧУН ОЧИҚ МАЙДОН

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг фаол ёшлари билан учрашув ташкил этилди.

## Сенат қўмитасида

Унда ёшлар Сенатнинг қонун ижодкорлиги жараёни, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ёшлар

сиёсатида оид қўнунчилик ташаббуслари билан танишди.

Сенатор Малика Қодирхонова Кўксарой қароргоҳида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан ўтказган мулоқоти мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор вазифалар ҳамда келгусида амалга оширили-

ши режалаштирилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратади.

Қайд этилганидек, бу каби учрашувлар йигит-қизларни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, ташаббускорлиги ва фаоллигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятланди.

Уз навбатида, ёшларга оид ишлаб чи-

қилаётган қонун лойиҳаларига тақлифлар олиш тизимини такомиллаштириш ва қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни тарғиб этиш кун тартибидagi муҳим масалалардан эканига урғу берилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва ташаббусларини билдирди, қизиқтирган саволларига жавоб олди.

«Халқ сўзи».

## Депутатлар — ҳудудларда

# МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан мулоқотга киришмоқда. Уларда барча соҳалар ривожини устувор вазифаларнинг ижроси, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни ва ҳаётий ифодасига эътибор қаратилмоқда.

## Юрт раванги учун масъуллик

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукур Ҳамзаев ҳамда фракция аъзоси Дилдора Камолова Сирдарё вилоятида бўлиб,

Халқ вакиллари Сирдарё туманидаги ишлаб чиқариш корхонасида мавжуд экологик талаблар, меҳнат муҳофазаси ҳолати билан яқиндан танишди. Олти гектар майдонда фаолият юритаётган корхонада 350 нафар аҳоли иш билан таъминланган. Бу ерда 350 метрлик замонавий чанг филтратлари ўрнатилган. Улар йилга 800 тоннагача чангини ушлаб қолиш қувватига эга.

Мулоқотлар чоғида депутатлар экологик талабларга қатъий риоя этиш аҳоли ва ишчи-ходимлар саломатлиги учун муҳим эканини таъкидлаб, бир қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Сирдарё педагогика техникумида ўқувчилар билан ўтказилган самимий учрашувда юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, депутатлар Сирдарё туманидаги "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, "маҳалла етилиги" фаолияти билан танишди. Мулоқотда ҳудуддаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сўхбат давомида сув танқислиги ва ер шўрланиши асосий масала сифатида кўтарилди. Шולי экиш оқибатида шўрланиш кучаяётгани айтилди. Муаммони бартараф этиш мақсадида сув ўлчигичлар ўрнатиш ва ер ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича тавсиялар берилди.

қадарё вилояти Яккабоғ туманида маҳалла фаоллари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари амалий натижаларга бой бўлмоқда. Дастлаб депутат 8-умумтаълим мактабида ўсирилган бошқалик мулоқот ўтказди. Унда Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида илгари сурилган ташаббусларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Самимий сўхбат давомида келажак давомчиларнинг тақлиф ва ташаббуслари тингланди. Хусусан, 8-синф ўқувчиси халқаро инглиз тили сертификатини кўлга киритгани, ўз маблаг ҳисобидан бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилидан дарс бериш нияти борлигини айтиб, замонавий доска билан жиҳозланган алоҳида хона ахратиш бўйича тақлиф билдирди.

Учрашувлар давомида аҳолидан келиб тушган мурожаатлар ҳам аҳолига ўрганилди. Хар бир мурожаат юзасидан масъуллар иштирокида амалий чоралар белгилаб олинди. Хусусан, "Тўқбой" МФИда ногиронлиги бор турмуш ўртоғи бираврақ алмаштириш операциясининг бошдан кечиргани. Фуқаронинг 4 нафар фарзанди бор, улардан бирига ҳам 2-гурух ногиронлиги белгиланган бўлиб, бу оиланинг ижтимоий аҳолини янада оғирлаштирган.

Фуқаронинг мурожаати Яккабоғ тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан тезкорлик билан ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Ушбу оилани даволашни харажатлари, озиқ-овқат қисқалтирилди. Шунингдек, фуқаронинг кўчадаги ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича тавсиялар берилди.

## Мурожаатлар — доимий эътиборда

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Қизилгул Қосимова Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида бўлиб,

ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган масалаларни ўрганиди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши билан биргаликда шаҳарни 2026 йилда ривожлантиришга қаратилган режалар ҳамда "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг биринчи мавсуми доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Асосий эътибор аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилди. Фуқаролар билан очиқ мулоқот жараёнида мурожаатчилар мавжуд бўлиш иш ўринлари билан таништирилди ва уларга мос тақлифлар тақдим этилди. Меҳнат ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Энг муҳими, келиб тушган ҳар бир мурожаат бўйича амалий чора-тадбирлар бошланиб, назорат механизми йўлга қўйилди.

Депутат Анваржон Нурматов эса Андижон давлат техника институти талабалари билан учрашди. Сўхбат давомида мамлакатимизда ёшлар сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотлар, таълим олиш ва касб эгаллаш учун яратилаётган шaroитлар, фаол ва ташаббускор йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар ҳақида фикр алмашилди. Талабаларнинг тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Депутатларнинг ҳудудлардаги бундай учрашуви ва ўрганишлари "Инсон қадри учун" тамойилини ҳаёtgа илчил татбиқ қилиш, аҳоли мурожаатларини ҳал этиш ҳамда ёшлар билан самарали мулоқотни кучайтиришга ҳисса қўшмоқда.

## Оилалар фаровонлигини юксалтириш — устувор вазифа

Қўнунчилик палатаси депутати Хилола Юсупова Наманган вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганимоқда.

Депутат дастлаб Давлатобод туманидаги Орзу маҳалласида жойлашган корхона фаолияти билан танишди. Тадбиркор Исохон Хўжаев ўн йилдан зиёд вақт мобайнида изчил меҳнат қилиб, 15 — 20 нафар фуқаро учун иш ўрни яратган.

Иссиқхона хўжалигида лимонария, қарлик нав банан, папайя, манго, кулпунга, саримсоқпоз, марақуйя, киви ва зайтун каби экспортга ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш йўлга қўйилгани қувонарли ҳолат.

Бу ерда тадбиркорлик учун яратилган имкониятлар билан бирга, ресурслардан оқилона фойдаланиш, энерготехамкор технологияларни жорий этиш, экологик мувозанатни сақлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу тумандаги яна бир ибратли ташаббус — кўп қаватли уй ертўласида ташкил этилган кўзиқорин етиштириш лойиҳаси. 36 ёшли тадбиркор Ойгул Қодирова оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, микромолия ташкилоти гранти ва молиявий кўмак асосида ўз бизнесини бошлаган. Бу юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий самарасидир. Бундай ташаббуслар нафақат даромад манбаи, балки аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш, оилалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Янги Наманган шаҳарчасида барпо этилаётган "Ашил макон" тураржой мажмуаси билан танишув ҳам ҳудуддаги кенг қўламли ўзгаришларни кўрсатди. 702 оиланинг замонавий уй-жой билан таъминланиши, инфратузилманинг комплекс ривожланиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Наманган вилоятидаги 49-ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолияти билан танишув эса ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотларнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир бор тасдиқлади.

Депутат ўқувчилар билан сўхбат чоғида ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб, барча имоният ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

## Хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожланмоқда

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Зебинисо Раҳмонова Самарқанд вилоятининг Чармғари маҳалласи-

да бўлиб, аҳоли вакиллари, тадбиркорлик субъектлари ва маҳалла фаоллари билан учрашувлар ўтказди.

Депутат дастлаб "маҳалла етилиги" билан мулоқот қилиб, аҳолига Маҳалла ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йўлида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, Қўнунчилик палатасининг фаолияти, қўнунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнига ҳақида сўз берди. Фуқаролар томонидан айрим масалалар бўйича кўтарилган мурожаатлар ўрганилиб, мутасаддилар билан биргаликда ҳал этилди.

Халқ вакилининг навбатдаги манзили — тивув беги бўлди. Бу ерда ишчи-хотимлик билан мулоқот қилиб, яратилган шарт-шaroитларни кўздан кечирди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда мазкур чехда маҳаллада яшовчи 25 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Бу ерда болалар кийимлари, беланчақлар ишлаб чиқаришмоқда ва Тошкент, Андижон, Фарғона ҳамда Самарқанд вилоятлари бўйлаб буюртма асосида етказиб берилмоқда.

## Мавжуд имкониятлар ва амалий ечимлар

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Ойбек Раҳимов Қорақўл туманидаги "Мироб" МФИда бўлиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш борасида илмий борилаётган ишлар ҳолатини ҳам ўрганиб.

Учрашувда депутат сўнгги йилларда маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар хусусида тўхталиб, "маҳалла етилиги" фаолигини янада кучайтириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Мулоқот давомида аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳудудда дорихона ташкил қилиш масаласи кўтарилди. Бу борада депутат масъул таъкидотлар вакиллари

билан боғланиб, мавжуд имкониятлар ва ечимлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг депутат "Қорақўл" МФИ ҳудуддаги замонавий кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан ҳам мулоқот қилди. Халқ вакили маҳалла фаоллари ва аҳоли вакиллари билан учрашувда юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, жумладан, ижтимоий соҳалардаги ислохотлар ҳақида тўхтади.

##



# МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида қизгин жараён кечмоқда. Яъни корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг ўтган йил якунлари бўйича бажарилиши муҳокамасига бағишланган умумий йиғилишлар ҳамда конференциялар уюштирилмоқда.

## Сарҳисоб

Хусусан, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Марказий филиалида Ягона жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда акциядорлик компанияси Марказий филиали директори Даврон Жабборов ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси Нодир Исҳоқов соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида меҳнаткашлар олдида ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари иш берувчи ҳамда касаба уюшма кўмитаси ижтимоий шериклигида мустаҳкам ҳимояга олинган. Хусусан, жамоа шартномасидан ходимлар даромадларини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкам-

лаш масалалари ўрин олган.

Ҳисобот даврида Ягона жамоа шартномасидаги 246 та банддан 244 таси бажарилган. Айниқса, ушбу муҳим ҳужжатда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилгани боис корхонада ишлаб чиқаришдаги жароҳатлини ҳолатлари ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Ходимлар меҳнати муҳофазаси, хавфсиз меҳнат шартларини яратиш ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш йўналишидаги чора-тадбирлар учун 5 млрд. 627 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, шартномага асосан юқори малакали ходимларга 208 млрд. сўм, соҳада узлуксиз фаолият юритаётган ходимларга эса кўп йиллик меҳнат стажини учун 24 млрд. сўм қўшимча ҳақ тўлаб берилди.

Ходимларнинг реал даромадларини ошириш, саломатлигини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлам ҳамда кам таъминланган

оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этиш борасида тармоқ ва тариф келишувлари ҳамда жамоа шартномалари асосида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, филиал ва унинг тасарруфидаги боғламаларда фаолият юритаётган ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида 35 та объектда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари удрланди. Иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантириш, касбий маҳоратини ошириш ҳамда илгор тажрибаларини оммалаштириш мақсадида “Энг фаол электромонтёр” танлови ўтказилди.

Ёз мавсумида филиал ходимлари ва уларнинг оила аъзолари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган “Нилуфар” дам олиш масканида хордиқ чиқариши учун йўлланмалар билан таъминланди. Ҳисобот даврида санаторий ва дам олиш масканларида ходимлар ва улар-

нинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш учун касаба уюшма кўмитаси томонидан 1 млрд. 593 млн. сўм сарфланди. Ёзги мавсум давомида филиал тасарруфидаги “Алоқачи” болалар соғломлаштириш оромгоҳида меҳнаткашларнинг 991 нафар фарзанди соғломлаштирилди.

Шунингдек, 300 нафар ходим ҳамда 50 нафар пенсионернинг республикамиздаги тарихий шаҳарларга саёҳати ташкил этилди. Меҳнаткашлар ўртасида шахмат, шашка ва минифутбол (футзал) бўйича “Раҳбар кубоги” мусобақалари ўтказилди. Ёш ходимлар эса “Заковат” интеллектуал ўйинларида қатнашди.

Ягона жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланган умумий конференцияда ушбу йўналишлардаги масалалар таҳлил этилиб, муҳокамадан ўтказилди. Хусусан, меҳнаткашлар сўзга чиқиб, жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаатлари ҳимояси юқори даражада таъминланаётганини таъкидлашди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.**

## ЁШ ИҚТИДОРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

— Давлатимиз раҳбари 2017 йилда бизнинг мусиқа ва санъат мактабимизга ташриф буюрганида бу маскандан келгусида Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуровнинг муносиб издошлари етишиб чиқишига ишонч билдирган эди, — дейди Отамуроднинг устози Ойбек Отаев. — Ушбу тилакларнинг рўйбўни шогирдим Отамурод мисолида кўриб турибмиз. Бугун барча тенгдошлари ҳавас билан қараб, у каби юксак марралар сари интиляпти. Президент совғаси — оддий совға эмас. Бу минглаб ёш истеъодларнинг юзага чиқишига рағбат, мусиқа ва санъат мактабимиз жамоасига берилган улкан муқофотдир!

**Одилбек ОДАМБОЕВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

## «Трастбанк» ХАБ:

# ШАФФОФЛИК, ҲАЛОЛЛИК ВА ИШОНЧ — АСОСИЙ МЕЗОН



— Шу десангиз, кеча банкда ишим шу қадар тез битади, деб ҳеч ўйламагандим, — дея гап бошлади Махфуза ая қўшниси билан сўхбатда.

— Йўғ-э? Ҳойнаҳой, турнақатор навбатлардан бешиб, пул олишининг “берарини” ҳам қилгандирсиз-да? — таажжубланиб сўради Зулфия опа.

— Аксинча, яқинда “маҳалламиз банкири” имтиёзли кредит олиш йўли-йўригини тушунтирдим. Бизга маъқул келиб, расмийлаштириш ишларини бошлагандик. Кеча банкка бордик, сиз айтаётган узок кутишлар йўқ. Электрон навбат билан ҳамма ўз вақтида ишини битириб кетаяпти.

Кувонганимдан соҳа мутахассисларини, жумладан, маҳалламиз банкирини халқ хизматидан чарчамасликларини тилаб, дуо қилдим...

## Молия муассасаларида



Бугун қайси ташкилот, молия муассасасига борманг, хушмуомала ходимлар ўзбекча лутф билан кутиб олади. Остона хатлаб ўтаркансиз, мурожаатингиз профессионал мутахассислар томонидан бир зумда ҳал этилади. Айниқса, ушбу жараёнларга замонавий технологиялар жалб этилиб, жаҳон стандартлари асосида хизмат кўрсатилади. Бу эса юқорида эслатилганидек, ҳеч қандай “олди-берди”ни келтириб чиқармайди.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки салкам 32 йиллик фаолияти давомида ана шу жиҳатларга, хусусан, миқозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари ва махсулотларини тақдим этишда коррупция ҳолатларининг олдини олиш масалаларига устувор аҳамият қаратиб келмоқда.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш йўналишида замонавий амалиёт ва

халқаро стандартлар талаблари қўлланилмоқда. Бу эса миқозлар ва бизнес ҳамкорлар ишончини оқлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида 2026 йилдан барча идораларда коррупцияга қарши янги назорат тизими жорий этилишини таъкидлаб, коррупцияни давлат қароқчиёти ва жамият ишончига асосий таҳдид сифатида баҳолаган ва коррупцияга қарши курашиш бўйича “факуллода ҳолат” эълон қилганди.

Шунингдек, барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозимини жорий этилишини таъкидлаганди. Президентимиз ташаббуси билан амалиётга киритилган ушбу янги тизим жойларда ўз самарасини бермоқда, десак, муболага эмас.

“Трастбанк” ҳам Комплаенс назорат департаменти томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Албатта, бу сайёҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хусусан, 2022 йилнинг февраль ойида “CERT International” халқаро сертификатлаштириш органи томонидан “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида “ISO 37001:2016” халқаро стандартининг талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш сифат менежменти тизimini жорий этилган бўлиб, банк хизматларини кўрсатиш бўйича ушбу

халқаро стандарт талабларига мувофиқ, деб топилди ҳамда мамлакатимиздаги банклар орасида биринчилардан бўлиб “ISO 37001:2016” халқаро сертификатини қўлга киритди. Ўз ўрнида мазкур ҳужжат ҳар йили муваффақиятли ҳимоя қилиб келинмоқда.

Яна бир жиҳат. “Трастбанк” ХАБни “коррупциядан холи” қилиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, молия муассасаси тизимида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, барча ходимлар ўз хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан, профессионал даражада ва ваколатларидан четга чиқмаган ҳолда бажариши, ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ, касб этикаси қоидаларига риоя қилиши, тизимли камчиликларнинг бартараф этилиши, имтиёзли кредитлар ажратилишида ин-

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Чунончи, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган жараёнлар билан банк ходимларини таништириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, банк ходимлари

дан мунтазам равишда ўқув семинарлари ташкил этиб келинмоқда.

Банк тизимида ишга қабул қилиш жараёни марказлаштирилган, номзодларни танлаш, уларнинг касбий фахрларини ва алоҳида вазифалари асосида хизмат

поғоналарида кўтарилишининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида мавжуд вакант лавозимлар ҳамда уларга бўлган талаблар банкнинг веб-сайти, электрон ҳужжатлар айланмаси, алоҳида каналли ва почта орқали эълон қилиб борилади, коллегия комиссиялар томонидан танланади, сараланади.

Банкнинг расмий веб-сайти ҳамда “Trastpay” мобил иловасида аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун банк махсулотлари сифатини баҳолаш, изоҳ ва фикрлар қолдириш функциялари ташкил этилди. Шу билан бирга, “online chat”, “Telegram bot” қўллаб-қувватлаш хизмати ишга туширилди. Банкнинг расмий веб-сайтида бошқарув раисининг ходимлар, банк миқозлари ва кенг жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашишга оид мурожаати эълон қилинди. Ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун “Трастбанк” ХАБнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати жойлаштирилган.

“Ишонч телефони” ҳамда “E-mail” почта манзиллари белгиланган бўлиб, банк махсулотлари сифатини баҳолаш, мавжуд муаммо ва тўсиқлар, коррупциявий ҳолатлар бўйича мурожаат қилиш ҳамда фикр билдириш имкониятини берувчи бўлим ташкил этилган.

Коррупцияга қарши курашда адолат баш мезон ҳисобланади. Бунга эришишнинг ягона йўли “ҳалоллик вакцинаси”дир. “Трастбанк” жамоаси ўз хизматларини кўрсатишда ана шунга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, шаффофлик ва ҳалоллик — асосий вазифа. Бу эса бугунги кунда 3 млн. 300 мингдан зиёд юртдошларимизнинг “Трастбанк”ни танлашига туртки бўлмоқда.

“Трастбанк” ХАБ Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

“ 2022 йилнинг февраль ойида “CERT International” халқаро сертификатлаштириш органи томонидан “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида “ISO 37001:2016” халқаро стандартининг талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш сифат менежменти тизimini жорий этилган бўлиб, банк хизматларини кўрсатиш бўйича ушбу халқаро стандарт талабларига мувофиқ, деб топилди ҳамда мамлакатимиздаги банклар орасида биринчилардан бўлиб “ISO 37001:2016” халқаро сертификатини қўлга киритди.

сиз омилини чеклаш ҳамда бу борада рақамлаштириш жараёнини жаддаллаштириш юзасидан барча зарур чоралар кўрилмоқда.

ўртасида юқори касбий этика, коррупцияга қарши муроасасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзаси-



## БУ ОЙДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

**Мамлакатимизда 1 мартдан кучга кирадиган қонунчиликдаги ўзгаришлар нималардан иборат? Қуйида шулар хусусида айрим маълумотларни тақдим этамиз.**

### Нотариусларга янги ваколатлар

Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, БҲМнинг 1000 бараваригача бўлган қуйидаги низосиз талаблар бўйича нотариуслар томонидан ижро хатлари ёзиш тартиби жорий этилади:

- нотариал тасдиқланган битимларга асосланган талаб;
- ёзма ва нотариал тасдиқланган битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб;
- ижара тўловлари, кўп квартиралли уйлардаги жойларнинг мулкдорларидан мажбурий бадал ва тўловлар, коммунал ҳамда алоҳи хизматлари бўйича қардорликни ундириш тўғрисида талаблар.

### «Бизнес ҳамроҳ» лойиҳаси амалга оширилади

Тадбиркорлик фаолиятига оид давлат хизматлари ва айрим хусусий хизматларни тадбиркорларга “ягона дарча” тамойили асосида қўрсатиш бўйича “Бизнес ҳамроҳ” лойиҳаси амалга оширилади.

Унинг доирасида Савдо-саноат палатаси ҳузурда ташкил этиладиган масъулияти чекланган жамият томонидан бошқариладиган “Бизнес ҳамроҳ” марказлари фаолияти йўлга қўйилади.

Улар дастлабки босқичда Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар марказларида 1 тадан ташкил этилади.

### «Инсон» ижтимоий хизматлари марказларида «меҳрли оила» хизмати

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ҳимояга қарши болаларнинг ота-оналари учун “меҳрли оила” хизмати ташкил этилади.

Бу хизматга болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) комиссияларининг қарори асосида ота-оналар жалб қилинади.

Уларга фарзандларнинг оиласи билан бузилган муносабатларни тиклаш ва ижтимоийлашувига кўмаклашиш учун “оилавий терапия” хизматлари бепул кўрсатилади.

### Қурилиш майдонлари устидан доимий кузатув

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан ҳудудларда қурилиш ишлари амалга оширилаётган майдонлар устидан доимий кузатув олиб борилади.

Бунда “Ўзбеккосмос” агентлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси маълумотлар базалари ўзаро интеграция қилинади. Шунингдек, “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан ҳудудий инспекциялардан рўйхатдан ўтган объектлар бўйича маълумотлар “Шаффоф қурилиш” МАТ орқали автоматик олинади.

### Сунъий ёмғир ёғдириш бўйича тажриба

Ўзбекистонда сунъий ёмғир ёғдириш технологиясига илмий асосланган ҳолда амалий пилот лойиҳа ишлаб чиқилади. Бу 2026 йилги давлат дастурида кўрсатилган.

Лойиҳа бўйича ишлар 1 мартдан бошланади. Сунъий ёмғир ёғдириш учун Франция, Хитой, Саудия Арабистони каби хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилади.

Пилот тажрибалар доирасида камидан 3 — 5 та амалий синов ўтказилади. Бу орқали ёмғирчилик ёғдириш табиий фонга нисбатан 10 — 20 фоиз ўсиши таъминланади.

«Халқ сўзи».

Барҳаёт сатрлар

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ



Лекин ётоғимда сени тополмай,
Бир нуқтада қолди узоқ тиклиби.

“Қани мен келганда кулиб қаршилаб,
Кўшиги мавжланиб бир дарё оққан?”

Ўрик гулларига тўнмайди нега
Елда ҳиллатиб жинсала сочин?

Қани ўша куйчи, ҳаёлман йигит?
Нечун кўзингда ёш, туриб қоддинг ол.

Қандай жавоб айтмай, долдир тилларим,
Баридан тутдим-у, кетдим қошинга.

Аламдан туюқиб дарахтга кўчди,
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.

Гул-у райҳонларнинг таралди атри,
Самони қоплади майин бир кўшиқ.

Баҳорга бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшунг забардаст.

Ҳижронинг қалбимда, сөзинг кўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.

ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Салқин сахарларда, бодом гулида,
Бинафша лабиди, ерларда баҳор.

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтунни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,
Сен юрган болларни қидириб чиқди.

Топмай сабри тугаб бўрон бўлди-ю,
Жарликларга олиб кетди бошини.

Сўнера жило бўлиб кирди ётоғимга,
Хулқар ва Омонинг ўпди юзидан.

БОЛАЛАР САРАТОНИГА
ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА
ГЛОБАЛ ЛОЙИҲА

Тошкент давлат тиббиёт университетидида Болалар
саратонига қарши курашиш бўйича Глобал ташаббус
доирасида АҚШнинг Сент-Жуд болалар тадқиқот
шифохонаси вице-президенти Карлос Родригес-Галиндо

Анжуман

Таъкидланганидек, ушбу
Глобал платформа ЖССТ ва
АҚШнинг Сент-Жуд болалар
тадқиқот шифохонасининг
лоийҳаси бўлиб, болаларни
молиявий қийинчиликларсиз,

мустаҳкамлашда муҳим экани
ни қайд этди.
— Делегациямиз Болалар
ге-
матологияси, онкологияси ва
иммунологияси илмий-амалий
тиббиёт маркази фаолияти билан

трон рўйхатга олиш ва
йўналтириш, дори воситаларининг
болаларга хавфсиз ва ўз
вақтида етиб бориш тизими билан
танишди. Бу тизим ҳар бир
бемор ҳақидаги маълумотларни

Делегация аъзолари узок
муддатли даволаниш жараёнида
болаларнинг таълим олиши
таъминлашга қаратилган
“MeHri maktab” таълим лойиҳаси
фаолиятини ҳам ўрганди.

Анжуманда болалар саратонининг
олдини олиш бўйича
Глобал платформа доирасида
амалга оширилган халқаро миссия
Ўзбекистонда болалар онкологияси
ва онкогематологияси тизимини
мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим стратегик
босқични бошлаб бериши таъкидланди.

Нурulloҳ ОСТОНОВ
«Халқ сўзи»



ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ
КОНИ ЗАРАР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботида
кўра, Европа ва Марказий Осиёдаги 53 давлат
2030 йилга бориб дунёда тамаки маҳсулотлари энг
кўп истеъмол қилинадиган минтақа бўлиб қолиши
мумкин.

Тадқиқотларга кўра, 2024 йили мазкур минтақада
173 млн. киши тамаки чеккан. 13 — 15 ёшли қарийб
4 млн. ўсимир турли тамаки маҳсулотларидан фойдаланмоқда,

Хисоботга кўра, минтақа 2025 йилга қадар аёллар
ўртасида тамаки истеъмолини 30 фоизга қисқартириш
мақсадида эриша олмади, 2010 йилдан бери пасайиш
атиғи 12 фоизни ташкил этди.

ХАВФЛИ МИГРАЦИЯ
ЙЎЛЛАРИДАГИ ФОЖИА

БМТнинг Халқаро миграция ташкилоти ҳисоботида
келтирилишича, 2025 йилда дунё бўйлаб хавфли
миграция йўлларида камиди 7 667 киши ҳалок бўлган
ёки бедарак йўқолган.

Ташкилот бош директори бу вазиятни “глобал му-
ваффақиятсизлик” деб атаб, хавфсиз ва тартибли
йўллари кенгайтиришга қайирган. Унинг сўзларига кўра,

Айтилишича, энг ҳалокатли йўллар орасида денгиз
йўналишидаги етакчилик қилмоқда. Утган йили Урта Ер
денгизига 2 108 киши ҳалок бўлган ёки бедарак йўқол-
ган, Атлантика орқали Испаниянинг Канар оролларига

МАКТАБДА МОБИЛЬ
ТЕЛЕФОННИ ЧЕКЛАШНИНГ
ИЖОБИЙ НАТИЖАСИ

Норвегия мактабларида мобил телефонлардан
фойдаланишни чеклашнинг таъсири бўйича тадқиқот
натижалари эълон қилинди. Ҳисобот
Норвегия фан ва технология университети
қошидаги тадқиқот бўлими томонидан
тайёрланган.

Унга кўра, “mobilfrie skoler” (мобил телефонсиз мак-
таб) моделини қўллаган муассасалар қатор ижобий ўзга-
ришларни кайд этди. Жумладан, дарсларда ўқувчилар
орасидаги низолар камайиб, хотиржам муҳит шаклланди.

Норвегия таълим вазири Кари Несса Нордтуннинг
айтишича, тадқиқот натижалари ўқувчилар ва ота-она-
ларнинг фикр-мулоҳазаларини тасдиқлайди — мобил
телефонлардан холи муҳит мактабларни янада хавф-
сиз, хотиржам ва таълим учун қулай қилади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА
ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР
ТАҚИҚЛАНАДИ

Испания ижтимоий ҳуқуқлар вазири Пабло
Бустиндуйнинг маълум қилишича, 16 ёшга
тўлмаган болаларга бундай ичимликлар сотиш
тақиқланади. Кофеин миқдори 100 миллилитрда
32 миллиграммдан юқори бўлган маҳсулотлар эса
18 ёшгача бўлганларга умуман берилмайди.

Қарор ўсимирлар саломатлигига оид тадқиқотлар
ва жамоатчилик фикри ҳулосасига таянади. Озиқ-овқат
хавфсизлиги агентлиги ўтказган сўров натижасига кўра,

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

ФАСЛИ КЎКЛАМ ЖОЗИБАСИ

Назаримизда, бу йилги киш ҳам баҳор фаслига ўз ўрнини барвақтроқ бўшатиб
берди. Зеро, бир неча йиллардан буён киш ҳам онда-сонда ёққан қорларни ҳисобга
олмаса, ана шунақа баҳор янглиғ ўтпти. Кумуш киш адоқламай туриб, дов-дарахтлар
“уйку”дан уйғониб, куртак ёзмоққа, бутун борлик ям-яшил либосга бурканимоққа
тушди. Кўклам элчиси — бойчоқлар она замин бағридан дадил бош кўтариб, бўй
кўрсата бошлади. Ҳар тонг теграимиздан танга хуш ёқувчи енгил сабо эсаётир.



Сурур

Қайлардандир, радиоданми, телевизорданми қалбларга
бўлакча завқ бахш этгучи жозибадор кўшиқ янграб қолади:

Баҳор келса, алвон-алвон очилгай гуллар,
Хандон ташлаб, шўх газалхон кўйлар булбуллар.
Дафта-дафта гуллар териб, ёш йигит-қизлар,
Бир-бирига гуллар тутиб, яйраб кўнгишлар...

Кўшиқни жон қулоғим билан тинглайману бир зум ўйга
толаман. Болалик, ёшлик даврларим кўз олдидан кино тас-
маси янглиғ лип-лип ўтаверади. Кўшиқ баҳона дилим қати-
даги хотиралар нигоҳларим ўнгига жонланади. Бу кўшиқ
бир пайтлар кўклам фаслининг мадҳияси эди. Шу кўшиқ
эфир орқали янграб қолгудек бўлса, ҳамма берилиб тинг-
ларди. Элимиз суйган ўша ҳофизнинг қанчонлардир тасмага
муҳрланган ушбу жозибали хониши бугунги ҳаётимизни та-
ранным этаётгандек...

қўй-қўзилар изидан яратов кезиш билан ўтди. Ёзинг жазир-
масию кишининг қаҳорини демай халқ фаровонлиги йўли-
да бетиним меҳнат қилди. Чорвачилик ривожига катта ҳисса
қўшди. Халол хизматлари эвазига юксак мукофотларга са-
зovor бўлди. У киши қилган ишлари билан асло мақтанмай-
ди ҳам, баъзи бир нуноқроқ ёшларга дашном бермайди
ҳам. Ҳаммасини босқилик билан тушунтиради.

— Қар фаслининг ўз гаши бор. Лекин баҳор бўлакча! —
дейди қария кайфияти кўтарилиб. — Биз, чорвадорлар
баҳор фаслини ҳаммаша озиқиб кутганимиз. Чунки кўклам —
кўйчиовлар учун тўкинлик ва барака фасли! Чорва моллари
ортидан кўм-кўк кенг далаю адирларни кўлда таёқ билан
яёв кезишнинг хузурни бошқача. Ҳам соғлом бўласиз, ҳам
умрингиз узаяди. Бутун дунё алғов-далғов бўлиб турган айни
замонда бизнинг мустақил юртимизда тинчлик ва осойишта-
лик ҳукм сурмоқда. Тўй-томошаларимиз жуда кўп. Бозор-
ларимиз ноз-неъматларга тўла. Борадиган жойингизга бе-
малол бориб, ишларингизни битириб келаверасиз. Мен ҳар
доим ёшларга, невараларимга “Тинчликнинг қадрига етиб,
хар бир кунингизга қаноат қилиб яшасангиз, кам бўлмай-
сиз!” дейман. Шўкроналикда гап кўп!

Санжар Мусаев ҳам маҳалла-қўй бениҳоя ҳурмат қиладиган
оқсоқоллардан. У киши турли даврларда ташкилот раҳбарлиги
лавозимларида ишлади. Узининг ишбилармонлиги ва хушму-
малалиги тўғрисида элдан обрў қозонди. Бугунги кунда фарзанд-
лари, неваро чеваралари даврасида кексалик гаптини сурмо-
қда. Санжар аканинг тағин бир ажойиб хислати — китобга
ошнолиги. Кўп китоб мутлола қилади. Шахсий кутубхонасида
ҳам китоблари мўл. Шунданми, унинг маънавияти ибратли.
Маҳаллада ёшларни юртимиз ранваки, халқ фаровонлиги ва
эзгу ишлар йўлида астойдил меҳнат қилишга, бугунги тинч-
осуда дамларнинг қадрига етишга чорлайди.

— Баҳор — пок ниятлар мустажоб бўладиган фасл, —
дейди С. Мусаев. — Биз бу фаслни очик юз ва шўкроналик
билан кутиб олсак, юртимизда, ҳар биримизнинг хонадонимизга
шунчалик барака ёғилади. Нима учун биз биринчи
галда мамлакатимиз тинчлигини, эл-улуснинг тотувлигини
ва ҳамжihatлигини истаймиз? Аллоҳ таоло ҳам осойишта-
лик ва шўкроналик ҳукм сурган жойга ўз марҳаматини ҳеч

қачон дариг тутмайди. Илоҳим, мустақил диёримизни ёмон
кўзлардан, балойи офатлардан асрасин, ёшларимиздан
пугур, кексаларимиздан нури иймон кетмасин!

Дехқонбодда кўнглига юрт тавишини го қилган ҳолда
ана шундай мамнуният-ла умргузорлик қилаётган пири ба-
давлат нуронийлар бисёр. Улар ўзларининг бегараз панду
насихатлари билан одамларни, айниқса, ёшларни шу она
Ватан учун, унинг тараққиёти учун мардонвор меҳнат қилишга
руҳлантиришади.

Мамлакатимизнинг чекка худудларидан саналган Дехқо-
нобод туманида барг ёздади, ўрик ва бодомлар деярли
гуллади, яшарш ва шодлик айёми — Наврўз байрами эшик
қоқиб келади. Шўх-шодон болалар юраги тошиб, осмонга
варрак учиради, қизалоқлар сочларига тол новдасидан бар-
гақ тақади. Катталар экин-тикин таравдудлади. Кейин кунлар
исиб, пөвнисиз далаларни, кирю адирларни турфа хил гуллар,
лолакызгалдоқлар қоплайди. Дунёни болажонларнинг қувноқ
кулгилари, қийқириқлари тўтиб кетади...

3 март куни Тошкент вақти билан соат 16:33 да тўлиқ Ой тутилиши ҳодисаси рўй беради. Аммо ушбу Ой тутилиши Ўзбекистон ҳудудидан кўринмайди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 242. 25 699 нусxada босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мустақил берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.56 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6